



АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ СОҲАСИДА НАЗОРАТ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛДА ОШИРИШДА ХУСУСИЙ СЕКТОРНИНГ ИШТИРОКИ: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

Машрапов Мадорбек Зоҳидбек ўғли

ТДЮУ мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.22080730>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 18-avgust 2026 yil

Ma'qullandi: 20-avgust 2026 yil

Nashr qilindi: 24-avgust 2026 yil

KEY WORDS

автомобиль йўллари, назорат
фаолияти, хусусий сектор,
давлат-хусусий шериклик,
қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, йўл
инфратузилмаси, давлат
назорати, маъмурий-ҳуқуқий
тартибга солиш, ҳуқуқий
механизмлар, хорижий
тажриба, рақамли назорат,
самарадорлик.

ABSTRACT

Ушбу мақолада автомобиль йўллари соҳасида назорат фаолияти амалга оширишда хусусий сектор иштирокининг ҳуқуқий асослари, ташкилий-ҳуқуқий механизмлари ҳамда мазкур йўналишдаги илғор хорижий тажриба қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган. Давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий моделлари, йўл инфратузилмаси сифати ва хавфсизлигини таъминлашда хусусий субъектларнинг ваколатлари ҳамда масъулияти ўрганилган. Шунингдек, айрим хорижий давлатларда назорат функцияларини хусусий сектор иштирокида амалга оширишнинг афзалликлари ва мавжуд ҳуқуқий чекловлари таҳлил қилиниб, уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш имкониятлари баҳоланган. Тадқиқот натижасида автомобиль йўллари соҳасида давлат назорати самарадорлигини ошириш, рақамли назорат механизмларини жорий этиш, давлат-хусусий шериклик институтларини ривожлантириш ҳамда хусусий сектор иштирокининг ҳуқуқий кафолатларини такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Автомобиль йўлларини хавфсиз ва сифатли бўлишида соҳадаги назорат фаолияти муҳим ўрин тутди. Назорат автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш сифати устидан назоратни амалга оширади ҳамда йўл қурилиши, йўл-қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқаришда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилиши каби йўналишларида амалга ошириш кенг тарқалган.

XX асрнинг 90 йиллари охиридан бошлаб, ривожланган давлатларда автомобиль йўллари қурилиши соҳасидаги тартибга солиш юкини камайтириш ва қурилишлар сифатини назорат қилишни хусусийлаштиришга ҳаракат қилиб келинмоқда.

Сўнгги ўн йиллик давомида сифат назорати тизимини тубдан ўзгартириш бўйича муҳокамалар давом этди. Давлатларнинг асосий сиёсий йўналиши “имкон бўлса — хусусийлаштириш, зарур бўлса — давлат назоратида сақлаш” тамойилига асосланди. Мисол учун, 2024 йил 1 январдан бошлаб Нидерландияда “Қурилиш соҳасида сифат кафолати тўғрисида”ги қонун (Wet kwaliteitsborging voor het bouwen (QAA)) кучга кирди [1].

Европа мамлакатларида ўтказилган қатор халқаро қиёсий тадқиқотлар асосида бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган ва баъзан ўзаро зид келувчи “қурилишни тартибга солиш ривожланиш тенденциялари”ни аниқлаш мумкин.

Иқлим ўзгариши ҳамда энергия сарфи ва чиқиндиларни камайтириш зарурати барқарор сифатга оид талабларни кучайтиришга ундамоқда. Хусусан, Европа мамлакатлари барқарор ривожланиш талабларини ўз қурилиш қоидаларига киритмоқда. Бунга қурилиш соҳасига нисбатан меъёрий-ҳуқуқий босимни камайтириш ва хусусий секторнинг қурилиш сифати назорати жараёнида иштирокини фаоллаштириш билан эришмоқда. Жумладан, қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш жараёнида давлат иштирокининг даражаси пасаймоқда. Кўплаб Европа мамлакатларида маҳаллий давлат органлари ҳали ҳам ҳудудий режалаштириш ва зоналаштириш масалаларини текшириш учун масъул ҳисобланади, аммо техник сифат назоратидаги уларнинг иштироки тез суръатлар билан қисқариб бормоқда [2].

Автомобиль йўллари қуришда сифат назорати жараёни хусусий сектор устун мавқега эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳолат лойиҳалаш босқичида архитекторнинг ролида намоён бўлади. Архитектура пайдо бўлган дастлабки даврлардан бошлаб архитекторларнинг қурилиш жараёнидаги вазифалари қоидалар, нормативлар, стандартлар ва бошқарув бўйича йўриқномалар орқали белгиланиб келган. Р.Имре ва Е.Стрит қурилиш қоидалари, қурилиш амалиёти ҳамда архитекторларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўртасидаги зиддиятлар, қарама-қаршиликлар ва ўзаро боғлиқликни батафсил тадқиқ этган [3].

Франция, Германия ва Ирландияда архитекторларга маҳаллий қурилиш назорати органларига қурилишга оид ҳужжатларни тақдим этиш ваколати берилган. Кўп ҳолларда бу фақат лойиҳа ёки қурилиш режасини тақдим этиш билан чекланмайди, балки атроф-муҳит муҳофазаси ва энергия самарадорлиги каби масалаларга оид ҳужжатларни ҳам ўз ичига олади [4].

Германия сўнгги йилларда мазкур соҳалардаги сифат назорати ва инспекция функциялари маҳаллий давлат органларидан босқичма-босқич хусусий секторга ўтказилмоқда ва бу вазифалар тобора архитекторлар зиммасига юкланмоқда [5].

Ирландияда малакали мутахассис (архитектор ёки муҳандис) ҳам лойиҳалаш босқичида, ҳам қурилиш якунланган пайтда объектнинг талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи сертификатни имзолаши шарт. Норвегияда ушбу касб қисман тартибга солинади. Амалда фаолият юритувчи компаниялар қурилиш рухсатномаси ҳужжатларини имзолаш ҳуқуқига эга бўлиши учун ўз компетенциясига мувофиқ давлат органлари томонидан тасдиқланиши лозим [6].

Давлат ва хусусий назорат нуқтаи назаридан қаралганда, мамлакатлар ўртасида маълум фарқлар мавжуд. Англия ва Уэльсда ариза берувчи қурилиш сифати назоратини маҳаллий ҳокимият органи ёки хусусий ваколатли инспектор (Approved Inspector) орқали амалга оширишни танлаши мумкин. Германияда эса маҳаллий ҳокимият органлари сифат назорати жараёнида муҳим ўрин тутади. Германия модели давлат ва хусусий назорат уйғунлашган тизим сифатида баҳоланиши мумкин. Чунки қурилиш сифати назоратини амалга ошириш ва рухсатномалар бериш расман маҳаллий ҳокимият органлари ваколатига киради.

Кўпгина тадқиқот ишларида хусусий сектор маҳаллий ҳокимият органларининг қурилиш назоратидаги ўрнини тобора эгаллаб бориётганлиги таҳлил қилинади [7]. Шу маънода айтиш мумкинки, кўплаб давлатларда қурилиш сифати назорати тизими аста-секин хусусийлашиб бормоқда.

Қурилиш жараёни давомида объект жойида текширувлар ўтказилиши мажбурий ҳисобланади. Айрим ҳолларда инспекция режаларига ҳавола қилинади, бошқа ҳолатларда эса муайян қурилиш босқичлари ёки қурилиш элементлари алоҳида кўрсатиб ўтилади. Сифат назорати жараёни барча мамлакатларда якуний текширув билан тугайди. Қурилиш объектидан фойдаланишга фақат тугалланганлик сертификати (completion certificate) ёки якуний тасдиқ (final approval) берилгандан кейин рухсат этилади.

Англия ва Уэльсда маҳаллий қурилиш назорати органлари (local authority building control) қурилишга рухсатни беради ҳамда жараён якунида тугалланганлик сертификатини расмийлаштиради. Хусусий ваколатли инспекторлар (Approved Inspectors) эса жараён бошида маҳаллий ҳокимият органига дастлабки билдиришнома (initial notice), қурилиш босқичи тугаганда эса якуний билдиришнома (final notice) тақдим этиши лозим [8].

Францияда юқори хавф даражасига эга мураккаб қурилиш ишлари хусусий ташкилотлар томонидан назорат қилиниши шарт. Бу назорат лойиҳани тасдиқлаш босқичидан бошланиб, қурилиш тўлиқ якунлангунига қадар давом этади. Қурилиш бошланишидан олдин дастлабки техник ҳисобот ва инспекция режаси тайёрланиши лозим. Қурилиш якунланганидан сўнг хусусий назоратчи техник назорат бўйича якуний ҳисоботни тақдим этади [9].

Германияда қурилиш учун ариза архитектор ёки муҳандис томонидан имзоланиши шарт. Одатда, давлат томонидан эътироф этилган эксперт техник талабларга мувофиқликни текширади. Қурилиш жараёнида назорат маҳаллий ҳокимият органи ва аризачи томонидан тайинланган қурилиш майдони раҳбари (site manager) томонидан амалга оширилади. Маҳаллий ҳокимият органлари, одатда, конструкция барқарорлигини текшириш вазифасини давлат томонидан тан олинган экспертларга топширади. Қурилиш якунланганидан кейин маҳаллий ҳокимият органи тугалланганлик сертификатини беради.

Швецияда инспекция режасини ишлаб чиқиш ва барча иштирокчилар иштирокида техник йиғилиш ўтказиш мажбурий ҳисобланади. Маҳаллий ҳокимият органи инспекция режасидан қоникқанидан кейин рухсатнома беради. Мустақил сифат назоратчиси текширувларни амалга ошириши шарт. Қурилиш якунланганидан кейин

якуний йиғилиш ўтказилади ва агар маҳаллий ҳокимият органи натижалардан қониқса, аризачига ёзма хабарнома берилади.

Умуман олганда, Европа мамлакатларида қурилиш сифати назорати тартиб-таомиллари яхши ташкил этилган. Текширув ва мувозанат механизмлари “оддий” қурилиш объекти фойдаланишга топшириладиган вақтда унинг техник талабларга мувофиқ бўлишини етарли даражада таъминлайди, деган хулосага келиш мумкин.

Яна бир муҳим масала назорат олиб бориш билан боғлиқ талаблар ҳисобланади. Масалан, Англия ва Уэльсда давлат ҳамда хусусий назорат органлари ихтиёрий равишда қурилиш назорати самарадорлиги стандартлари (Building Control Performance Standards)га амал қилиш мажбуриятини олган. Ушбу стандартлар қурилиш назоратини сифатли амалга ошириш бўйича йўриқномаларни белгилайди [10].

Мамлакатларда мавжуд бўлган кам сонли ҳуқуқий мажбуриятлар асосан конструктив барқарорлик талабларига қаратилган. Бу айниқса мураккаб қурилиш объектилари сифат назоратига тааллуқлидир. Масалан, Франция қонунчилигига кўра хусусий назоратчилар конструкция хавфсизлиги ва инсонлар хавфсизлигини назорат қилиш учун ҳуқуқий жавобгар ҳисобланади.

Бутун Европа бўйлаб қурилиш майдонларидаги текширувлар кўпинча танлаб ўтказиладиган (random) хусусиятга эга. Шунга қарамадан, одатда назорат муайян муҳим қурилиш босқичлари якунланганидан кейин амалга оширилади. “Барқарор қурилиш” (масалан, энергия самарадорлиги ва материаллардан фойдаланиш талаблари) ҳамда фойдаланишга қулайлик талаблари назоратининг хусусияти, мазмуни ва чуқурлиги бўйича ҳуқуқий талаблар нисбатан жуда кам.

Барча мамлакатларда хусусий назоратчилар сертификатланган, тан олинган ёки расман тасдиқланган бўлиши шарт. Англия ва Уэльсда Approved Inspectors (ваколатли инспекторлар) фаолият юритишдан олдин сертификат олиши ва рўйхатдан ўтиши лозим.

Францияда хусусий назорат ташкилотлари сертификатланган ва аккредитациядан ўтган бўлиши керак. Француз ташкилотлари турли назорат соҳалари бўйича сертификатланиши мумкин. Германияда тан олинган ёки рўйхатдан ўтган қурилиш муҳандислари қурилиш учун аризани тақдим этади ва одатда лойиҳани тасдиқлаш ишларини амалга оширади. Бундан ташқари, қурилиш тури ва назорат доирасига қараб, давлат томонидан тан олинган экспертлар сифат назорати жараёнида иштирок этиши шарт. Улар ҳам аризачи, ҳам маҳаллий ҳокимият органлари томонидан жалб қилиниши мумкин.

Ирландияда мутахассисларнинг ваколатли реестрларга киритилганлиги уларнинг малакасини белгилашнинг асосий усули ҳисобланади. Архитекторлар ва муҳандислар учун реестрлар амалда қўлланилмоқда, қурувчилар учун эса бундай тизим яқин вақт ичида жорий этилиши режалаштирилган.

Норвегияда оддий қурилиш ишлари учун жараёнда иштирок этувчи барча субъектлар (аризачилар, лойиҳачилар, муҳандислар ва қурувчилар) марказий ҳукумат томонидан “масъул корхона” сифатида тасдиқланган бўлиши лозим [11].

Швецияда умумий қоидага кўра, қурилиш рухсатномаси талаб қилинадиган ҳар қандай ишда қурилиш жараёнида сифатни назорат қилувчи камида битта хусусий шахс

ёки ташкилот иштирок этиши шарт. Хусусий сифат назоратчилари амалда фаолият юритишидан олдин сертификатланиши лозим.

Хусусий назоратчиларни сертификатлаш, тан олиш ёки тасдиқлаш уларнинг махсус назорат органлари томонидан рўйхатга олинishi ва мониторинг қилиниши англатади. Турли мамлакатларда қуйидаги уч турдаги назорат тизимлари мавжуд: 1) Касбий ташкилотлар ёки уюшмалар томонидан назорат (Англия, Ирландия ва Германия); 2) Миллий аккредитация ташкилотлари томонидан назорат (Франция ва Швеция). 3) Давлат ташкилотлари томонидан назорат (Норвегия ва Нидерландия).

Давлат органлари ёки аккредитация ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган назорат касбий уюшмалар томонидан амалга ошириладиган назоратга нисбатан мақбулроқ, деган фикрни илгари суриш мумкин. Бунинг сабаби шундаки, биринчи икки турдаги назорат органлари назоратчиларнинг ўзидан мустақил ҳисобланади.

Барча Еуропа мамлакатлардаги назорат тизимлари хусусий сифат назоратчиларига нисбатан маълум талабларни белгилайди. Бу талабларнинг даражаси мамлакатлар кесимида бироз фарқ қилади. Айрим ҳолларда бир мамлакатнинг ўзида ҳам назоратчи қайси соҳада сертификат олишига қараб талаблар ўзгаради. Масалан, мураккаб қурилиш объектларининг конструктив назорати учун айрим мамлакатларда таълим даражаси ва минимал амалий тажриба бўйича талаблар соддароқ объектлар назоратига нисбатан юқорироқ белгиланган.

Хусусий сифат назоратчиларига қўйиладиган талаблар мазмун жиҳатидан деярли бир хил. Улар қуйидагиларга эга бўлиши шарт: профессионал ёки олий маълумот (архитектор ёки муҳандис сифатида); амалий тажриба; тегишли касбий жавобгарлик суғуртаси; мустақил мақом. Яъни, улар назорат қилаётган қурилиш объектини лойиҳалаш ёки қуришда иштирок этувчи бошқа шахслар билан манфаатлар тўқнашувига олиб келувчи алоқаларга эга бўлмаслиги керак.

Умуман олганда, Европа мамлакатларининг аксратиятида хусусий қурилиш мутахассислари сифат назорати жараёнида етакчи ўринни эгалламоқда ва қонунчиликда белгиланган назорат тартиблари қурилиш жараёнининг барча босқичларини қамраб олмақда. Қонунчиликда назарда тутилган назорат фаолияти қурилиш жараёнининг турли босқичларида мувозанатли тақсимланган. Жараён давомида малакали архитекторлар (масалан, Германия, Франция ва Ирландияда), малакали қурувчилар (масалан, Норвегия ва Францияда) ҳамда малакали назоратчилар (ўрганилган барча мамлакатларда) қурилиш сифати учун масъул ҳисобланади.

Қурилиш мутахассисларининг уюшмалари томонидан амалга ошириладиган ўзини ўзи тартибга солиш (self-regulation), масалан сертификатлаш ёки рўйхатдан ўтказиш тизимлари орқали, мақбул ечим сифатида кўрилади. Чунки юқори сифатли қурилишни таъминлашнинг ўзи ҳам қурилиш индустрияси манфаатларига мос келади.

Шу ўринда савол туғилади. Мамлакатимизда автомобиль йўллари соҳасида назорат фаолиятини амалга оширишда хусусий секторнинг иштироки мавжудми? Мазкур масалани таҳлил қилиб чиқсак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Йўл хўжалиги соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2023 йил 10 октябрдаги ПҚ-330-сон қарорига кўра, мустақил муҳандис консультантлар йўл қурилиши объектларида

лойиҳани муҳандислик бошқариш ва техник назорат қилиш ишларини Халқаро муҳандис-консультантлар федерацияси (FIDIC) амалиёти ва ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Мазкур қарорга кўра, 2025 йил 1 январдан бошлаб янгидан бошланадиган йўл-қурилиш объектларида лойиҳани муҳандислик бошқариш ва техник назорат қилиш ишлари аутсорсинг шартлари асосида Халқаро муҳандислар-консультантлар федерацияси (FIDIC) амалиёти ва ҳужжатларига мувофиқ мустақил ташкилотлар, шу жумладан хусусий сектор томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 декабрдаги 901-сон қарори билан тасдиқланган Йўл хўжалиги соҳасида лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, йўл қурилиши ишларини амалга ошириш, шунингдек, уларни қабул қилиб олишда ҳажм ва сифат кўрсаткичларини ҳисобга олиш (ҳажм услуги) тартиби тўғрисидаги низомда муҳандис-консультантнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Хусусан, қурилиш ишларининг лойиҳани муҳандислик бошқариш ва техник назорат ишлари муҳандис-консультант томонидан қурилиш ишларининг бутун даври давомида амалга оширилади. Объектни муҳандислик бошқариш ва техник назорат қилиш ишлари буюртмачи томонидан аутсорсинг асосида жалб этилган муҳандис-консультант томонидан амалга оширилади.

Шу билан бирга, бугунги кунда кучини йўқотган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Худудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 11 сентябрдаги ПҚ-3939-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «ЎЗИнжиниринг» Республика лойиҳа институтининг Ўзбекистон муҳандислар-консультантлар уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланган, қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгиланган эди: лойиҳа, инжиниринг ва консультация хизматларини ривожлантириш; уюшма аъзоларини истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича фаолиятга жалб этиш; уюшма аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш; халқаро молия институтлари ҳисобидан молиялаштириладиган муҳандислар-консультантлар, лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари ходимларининг малакасини ошириш; олий таълим муассасалари билан уларнинг ўқув дастурларига лойиҳалаш ва қурилиш соҳасидаги энг янги ютуқ ва инновацион ёндашувларни жорий этиш бўйича ҳамкорлик қилиш; хорижий муҳандислар уюшмалари билан ҳамкорлик қилиш, сифатли лойиҳалаштириш ишларини, шу жумладан, хорижда амалга ошириш учун консорциумлар шакллантириш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, автомобиль йўлларини қурилиши устидан сифатли назоратни амалга ошириш ва соҳада хусусий секторнинг улушини ошириш мақсадида муҳандис-консультантнинг мақомини кучайтириш лозим. Бунда муҳандис-консультантнинг мақомини қонун даражасида белгилаш, хусусан “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонунда муҳандис-консультантнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва кафолатларини белгилаш лозим. Бу борада қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

Биринчидан, муҳандис-консультантларга нисбатан маъмурий таъсирларни камайтириб, тўлоқонли мустақиллигини таъминлаш;

Иккинчидан, Ўзбекистон муҳандислар-консультантлар уюшмаси фаолиятини такомиллаштириш, муҳандислар-консультантлар фаолиятини сертификатлаш ваколатини тўлоқонли уюшмага бериш;

Учинчидан, муҳандислар-консультантларнинг касбий жавобгарлигини суғурталаш бўйича мажбурий нормалар такомиллаштириш;

Учинчидан, муҳандислар-консультантларнинг жавобгарлиги ва малака талабларини кучайтириш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://www.loyensloeff.com/insights/news--events/news/two-years-of-the-quality-assurance-building-sector-act-initial-experiences-in-construction-and-development-practice/>.
2. Frits Meijer and Henk Visscher. Quality control of constructions: Europeantrends and developments. OTBResearch Institute for the Built Environment, Delft University of Technology, Delft, The Netherlands. www.emeraldinsight.com/1756-1450.htm.
3. Imrie, R. and Street, E. (2009), "Regulating design: the practices of architecture, governance and control", In Urban Studies, Vol. 46 No. 12, pp. 2507-2518.
4. Frits Meijer and Henk Visscher. Quality control of constructions: Europeantrends and developments. OTBResearch Institute for the Built Environment, Delft University of Technology, Delft, The Netherlands. www.emeraldinsight.com/1756-1450.htm.
5. <https://www.bvpi.de/>.
6. Frits Meijer and Henk Visscher. Quality control of constructions: Europeantrends and developments. OTBResearch Institute for the Built Environment, Delft University of Technology, Delft, The Netherlands. www.emeraldinsight.com/1756-1450.htm.
7. Costa Branco, J., Meijer, F. and Visscher, H.J. (2011), "Comparison of building permit procedures in European Union countries", in Chynoweth, L.R.P. (Ed.), COBRA 2011, RICS Construction and Property Conference, RICS & University of Salford, Salford, pp. 356-375.
8. Meijer, F. and Visscher, H. (2016), "QuickScan van buitenlandse stelsels van kwaliteitsborging in Engeland, Ierland, Duitsland, Frankrijk, Noorwegen, Zweden en Australië", Quick Scan of Quality Control Systems for Building in Germany, England & Wales, France, Ireland, Norway, Sweden and Australia, Delft University of Technology, Delft.
9. MLHD Ministère du Logement et de l'Habitat Durable (2016) "Ministry of housing and sustainable environment", available at: www.territoires.gouv.fr/ministere (accessed 24 September 2016).
10. DCLG Department for Communities and Local Government (2014), Building Control Performance Standards, London.
11. KoRD Kommunalog Regional departemente/Ministry of Local Government and Regional Development, Housing and building department (2010), Regulations Relating to Building Applications, KoRD, Oslo, 26 March.